

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАКУЛОВ ЗАФАР ҚУРБОННАЗАРОВИЧ

ТОВАР БЕЛГИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Бабакулов Зафар Курбонназарович

Товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни

фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш.....3

Бабакулов Зафар Курбонназарович

Гражданско-правовое регулирование использования и

защиты товарных знаков23

Babakulov Zafar Kurbonnazarovich

Civil law regulation of the use and protection of trademarks.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БАБАКУЛОВ ЗАФАР ҚУРБОННАЗАРОВИЧ

**ТОВАР БЕЛГИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ
ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ү109 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Омонбой Оқюлов,
юридик фанлар доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Самарходжаев Батыр Билялович,
юридик фанлар доктори, профессор.
Джолдасова Сахипжамал Джалгасовна,
юридик фанлар номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ү1.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 27 ноябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (852-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36.

Диссертация автореферати 2018 йил 9 ноябрь куни тарқатилди.

(2018 йил 9 ноябрдаги 8-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Б.Т.Мусаев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.Ф.Имомов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

К И Р И Ш (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда товар белгиларини муҳофаза қилиш ҳамда шахсининг унга нисбатан ҳуқуқларини амалга ошириш масаласи товар белгилари сони ортиб бораётган бир шароитда тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 9 ойи ичида дунёда 9.768.200 та товар белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномалар берилган. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 7.000.000 тани ташкил қилган бўлиб, у 2015 йилга нисбатан 16.4 фоизга кўп. Талабномалар беришда Хитой (37.9 %), АҚШ (5.6 %), Япония (4.6 %), Европа давлатлари (3.8 %) ва Ҳиндистон (3.2 %) етакчи ҳисобланади¹. Товар белгиларини рўйхатдан ўтказишга нисбатан талаблар сони ортиб бораётган бир даврда мутлақ ҳуқуқларни халқаро доирада эркин амалга ошириш кафолатини яратиш, унга бўлган ҳуқуқларнинг муҳофазасини таъминлаш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда товар белгиларини самарали ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда ушбу соҳани такомиллаштиришнинг илмий йўналишларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ҳаммага маълум (бренд) товар белгиларининг иқтисодий фойда келтириш хусусиятини ҳисобга олиб, уни эгасининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, товар белгиларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишнинг янада самарали механизмларини ишлаб чиқиш, интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, ҳуқуқни кўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларнинг қонунчилик ечимини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришни халқаро стандартларга мослаштиришга алоҳида эътибор берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ушбу соҳадаги халқаро конвенция ва шартномаларни ратификация қилиш, товар белгиларини сохталаштириш, контрафакт маҳсулотларни республикамизга олиб кириш ва олиб чиқишга қарши курашиш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар олиб борилмоқда. «Мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш»² ҳамда «интеллектуал мулк объектларини халқаро норма ва стандартларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада

¹ WIPO IP Facts and Figures http://www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_943_2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – №6-сон. 70-модда

такомиллаштириш»¹ мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги (2001), «Рақобат тўғрисида»ги (2012), «Фирма номлари тўғрисида»ги қонунлари (2006), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) Фармони, «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (2016) ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш, мазкур муносабатларга нисбатан қўлланиладиган давлат ҳуқуқи такомиллашувининг тарихий ва замонавий босқичлари, шунингдек бу борадаги халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг тажрибаси мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ҳозирга қадар ўрганилмаган.

Товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари мамлакатимиз олим ва тадқиқотчиларидан – Х.А.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, И.И.Насриев, Н.Ф.Имомов, Х.Т.Азизов, И.Р.Рустамбеков, Д.А.Огай, Б.У.Ахмаджонов, С.М.Сафоева, З.С.Акрамходжаева ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

МДҲ давлатларида товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатлари борасида самарали тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, товар белгиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми ва унга нисбатан ҳуқуқларни амалга ошириш масалалари О.А.Курлаев, Р.А.Хасанов, А.Д.Кудаков, В.В.Пирогова, Е.С.Рогачев, С.В.Ловцов, Н.М.Добрыден, А.К.Шульга; товар белгиларини муҳофаза қилиш ва ҳуқуқий жавобгарлик масалалари Е.С.Шпак, Е.А.Данилина, П.В.Герман, И.А.Петров, А.М.Горохов, А.Б.Рабец, Н.Ю.Медведов, Е.А.Жалнина; товар белгиларининг шахсийлаштиришнинг бошқа воситалари билан ўзаро боғлиқлиги масалалари Т.А.Вахнина, А.А.Агеенко, В.В.Орлова, И.В.Быструшкина, А.С.Ешич, П.В.Садовский; ҳаммага маълум товар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2637-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – №45. 520-модда

белгиларининг мақоми Е.А.Зайцева, М.В.Евдокимова, А.Г.Прокопьев каби олим ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган¹.

Хорижий мамлакатларда товар белгилари муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ қилинган ва у билан боғлиқ масалаларнинг назарий жиҳатлари А.Ж.Берtrand, У.Марcellin, Ж.Гилсон, Д.М.Келли, С.Н.Клейн, Ф.Мостерт, К.Л.Порт, Н.Зорни ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари асосан товар белгиларига оид ҳуқуқий муносабатларнинг алоҳида турлари ва жиҳатларига бағишланган бўлиб, комплекс ҳуқуқий тартибга солишни ёритишга қаратилмаган. Шу сабабли товар белгилари соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишни комплекс тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда товар белгиларини ҳуқуқий тартибга солишга оид алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2014–2019), «Интеллектуал мулк объектларини фуқаролик муомаласида бўлишини фуқаролик ҳуқуқий таъминлаш» (2014–2019) устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишдаги муносабатларни илмий таҳлил қилиш асосида фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«товар белгилари» тушунчаси, ўзига хослиги ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий моҳиятини аниқлаш;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда мутлақ ҳуқуқларни амалга ошириш шартларига тавсиф бериш ва шахсийлаштириш воситалари ҳуқуқини янги комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида асослантириш;

товар белгиларининг функцияларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

товар белгиларининг ҳаммага маълумлилик мақомини аниқлаш, уни хорижий давлатлар қонунчилиги асосида таҳлил қилиш;

«ўзбек бренди»ни ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

товар белгиларини фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доирасида қўлланилишини тартибга солишга доир муаммоларнинг ечимини топиш ва фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклиф бериш;

¹ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

товар белгиларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик натижасида келиб чиққан зарар ва уни қоплаш шартлари бўйича қонунчиликка таклиф бериш.

Тадқиқотнинг объекти товар белгилари фаолияти соҳасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети товар белгилари соҳасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши бўлмаслиги асосланган;

товар белгиларини ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатиш нотўғри таққослаш сифатида баҳоланиши ва ҳуқуқий жавобгарлик келтириб чиқариши асосланган;

товар белгиларига ўхшаш белгилардан қонунга зид равишда фойдаланиш, реализация қилиш, уларни товарларда, этикетларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан сотиш ва бошқача усулда фуқаролик муомаласига киритиш ҳуқуқбузарлик деб эътироф этилиши асосланган;

фуқаролик муомаласига аввалроқ киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш инсофсиз рақобат сифатида баҳоланиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

товар белгиси эгасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

товар белгиларидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш муносабатларининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш баробарида мутлақ ҳуқуқларнинг қўлланилиш хусусиятидан келиб чиқиб, «шахсийлаштирувчи воситалар ҳуқуқи» янги комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида асосланган;

товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни гаровга қўйиш, гаровга олувчининг ушбу ҳуқуқни бегоналаштириш, товар белгисини мерос (васият) қилиб қолдириш, унга бўлган ҳуқуқни олди-сотди шартномаси асосида тасарруф этишни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

«ўзбек бренди»ни ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилган;

товар белгиларини муҳофаза қилиш, ундан ноқонуний фойдаланганлик натижасида келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета шаклига асослангани, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, тақлиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, тақлиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётида, фуқаролик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда фуқаролик ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи, рақобат ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда олий юридик таълим муассасаларида фуқаролик ҳуқуқи, рақобат ҳуқуқи, тадбиркорлик ҳуқуқи соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда товар белгиларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бевосита товар белгисининг эгаси томонидан ёки унинг розилиги билан фуқаролик муомаласига қонуний тарзда киритилган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши мазкур товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши ҳисобланмаслиги ҳақидаги тақлиф Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1107-1-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги 267-П-сонли Қонуни 26-моддаси тўртинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 19 июндаги 06-16/826-сон маълумотномаси). Ушбу тақлиф товар олди-сотди муносабатларида товар белгиси эгасининг розилиги билан бошқа шахсларнинг фойдаланишини қонунга зид эмаслигини кафолатлашга хизмат қилган;

бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган нотўғри таққослашлар, хусусан хўжалик юритувчи субъектнинг товарини холисона тасдиққа эга бўлган тавсифларни ёки таққослаш параметрларини кўрсатмаган ҳолда товарнинг устунлиги ҳақида таассурот ҳосил қилувчи сўзлардан ёки

белгилардан фойдаланиш орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) ўзга товари билан таққослаш ёхуд кўрсатилган сўзларни ёки белгиларни ўз ичига олган тасдиқлар ёлғон, ноаниқ бўлган ёки бузиб кўрсатилган ҳоллар нотўғри таққослаш эканлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги «Рақобат тўғрисида»ги ЎРҚ-319-сонли Қонунининг 13-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 19 июндаги 06-16/826-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф истеъмолчиларнинг контрафакт маҳсулотларни сотиб олишдан ҳимоя қилишга хизмат қилган;

юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, товарни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда товарни реализация қилиш, шу жумладан товарни хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товар белгисига, фирма номига ўхшаш бўлган ёхуд адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан уни товарларда, этикеткаларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан ёки сотилаётган ёхуд фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш йўли билан, шунингдек, ушбу белгидан домен номида фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда реализация қилиш алоҳида турдаги ҳуқуқбузарлик сифатида қаралиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги ЎРҚ-319-сонли Қонунининг 13-моддаси биринчи қисми 2-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 19 июндаги 06-16/826-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф товар белгиси устунлигини таъминлаган ҳолда у билан бир хил ёки ўхшаш белгилардан учинчи шахслар фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилган;

юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаларига, товарни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик муомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди, мазмунидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги ЎРҚ-319-сонли Қонунининг 13-моддаси иккинчи қисмида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 19 июндаги 06-16/826-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф товар бозорида соғлом рақобат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 2 та дарсликка ҳаммуаллиф, 24 та илмий мақола (3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Товар белгиларининг интеллектуал мулк объектлари тизимида тутган ўрни»** деб номланган биринчи бобида товар белгилари тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, товар белгисининг функцияси: илмий-ҳуқуқий таҳлили, ҳаммага маълум («well-known», «brand») товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи томонидан мазкур бобда товар белгиларининг ўзига хослиги ва уларнинг турланиши, унинг тарихий-ҳуқуқий жиҳатлари, хусусан, тарихда товар белгилари муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қабул қилиш зарурияти, товар белгилари функцияларининг норматив қоидаларда акс этиши ва уларни товар белгилари муносабатларига қўллаш шартлари ва тартиби, суд амалиётида товар белгилари функцияларини қўллаш билан боғлиқ зиддиятлар, ҳаммага маълум товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми ва унинг айрим давлатлар қонунчилигига кўра тартибга солиниш масалалари очиқ берилган. «Товар белгиларининг ҳуқуқий мақоми» тушунчасига нисбатан хорижий эксперт ва олимлар А.Я.Карунная, С.А.Судариков, В.В.Орлова, И.А.Петрова, Э.П.Гаврилов, В.М.Сергеев, Y.Marcellin, С.Жамен, S.Valentina, T.Vernika, J.Sneha, Поль Матели, Ф.Байройтер ва О.Оқюлов, Н.Ф.Имомов, Д.А.Огай, С.М.Сафоева, Б.У.Ахмаджонов каби миллий олим ва тадқиқотчилар томонидан билдирилган нуқтаи назарлар асосида ушбу шахсийлаштириш воситасининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни ва уни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари мазмуни юзасидан хулосалар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда амалга оширилган таҳлиллар натижасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда товар белгиларининг ўрнини белгилаш ва уни тартибга солиш методларининг хусусияти масаласида тадқиқотчилар томонидан яқдил фикр ва мулоҳазаларнинг шаклланмаганлиги ҳамда бир-бирига зид нуқтаи назарларнинг мавжудлиги ўрганилиб, муаллифнинг уларга нисбатан муносабати баён қилинди. Хусусан, товар белгиси ижодий фаолият объекти сифатидаги хусусиятларни ўзида акс эттирмайди. Лекин товар белгиси моддий бўлмаган жиҳатларни ўзида намоён этганлиги, қолаверса, ҳозирги

вақтда фанда уни у ёки бу институтга тааллуқли деб топишнинг аниқ ечими бўлмаганлиги сабаб интеллектуал мулкка нисбатан тенглаштирилган объект сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга, бугунги кунда шахсийлаштириш воситаларининг интеллектуал мулк объектлари соҳасидаги ўрни фуқаролик-ҳуқуқий жihatлари асослангирилиб, кейинчалик ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар ривожланиши натижасида шахсийлаштириш воситалари турларининг ортиши, уларнинг ўзига хос ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва фойдаланишга қаратилган нормаларини ишлаб чиқиш зарурияти келтирилган ва асослангирилган.

Товар белгиларининг тарихий-ҳуқуқий жihatлари тегишли манбалар асосида таҳлил қилинди. Маълум бўлишича, товар белгилари бундан уч минг йил аввал, баъзи манбаларда эса беш минг йил олдин ҳам товар ишлаб чиқаришда фойдаланилган. Кейинчалик товар белгиларини муҳофаза қилиш заруриятининг пайдо бўлиши натижасида ўз даврида тегишли қонунларнинг қабул қилинишига олиб келган. Хусусан, тарихда товар белгиси тўғрисидаги илк қонун 1266 йилда Англия парламенти томонидан қабул қилинди. Муаллиф тарихда товар белгиларини ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжининг пайдо бўлишини бир турда бўлган маҳсулотлар ичида айни бир товарнинг оммаланиши ва бунинг натижасида ушбу товар турини сотиш ҳажмининг ошиши; ушбу маҳсулотни бошқа давлатларга сотиш имконининг кенгайиши; сохталаштирганлик учун жазо чорасининг йўқлиги билан асослаб берди.

Диссертацияда товар белгилари айрим давлатлар (Германия, Италия, АҚШ, Франция, Голландия, Хитой, Россия) қонунчилигида «товар белгиси», «савдо белгиси», «белги», шунингдек илмий адабиётларда «goodwill», «марка», «эмблема», «логотип», «маҳсулот белгиси» сифатида ўрганилганлиги таҳлил қилинди. Товар белгиларининг олди-сотди муносабатларида бу каби турлича кўринишларда муомалада бўлганлиги ҳамда тартибга солинганлиги, олим ва тадқиқотчиларнинг товар белгисига ўхшаш тушунчаларни ўз тадқиқотларида қўллаганликлари унинг амалда бажарадиган функциясига таъсир қилмаслиги таҳлил қилинди ва асосланди.

Амалдаги миллий қонунчиликда товар белгиларини рўйхатга олишда белгиларнинг турлича турланиши ўрганилганда унда кўпроқ моддий олам манфаатлари ҳисобга олинганлиги, ушбу қоида эса халқаро қонунчилик талабларига жавоб бермаслиги асослангирилди. Бу борада ривожланган давлатлар (Хитой, Германия, Буюк Британия, Испания) қонунчилиги ўрганилганда, уларда моддий олам билан бирга виртуал олам манфаатлари ҳам ҳисобга олинганлиги кўрсатиб ўтилди. Товар белгилари турларини белгилашда истеъмолчиларнинг турли жисмоний камчиликка эгаллиги ҳисобга олинган ҳолда миллий қонунчиликда белгиланган қоида қайта кўриб чиқилди. Бунда товар белгилари турларини кўрсатишда «мавҳумликдан қочиш» принципи асосида таклиф ишлаб чиқилиб, унга кўра *«тасвирлар, сўз ва сўз бирикмалари, шахс номлари ва уларнинг тасвири, ранглар, товушлар, уч ўлчовли конфигурациялар, рақамлар, ҳарфлар, товарлар шакли ва ўрами, рамзлар товар белгиси сифатида рўйхатдан ўтказилади»* таклифи берилди ва асослангирилди.

Тадқиқотчи илмий адабиётларда товар белгиларининг функциялари олим ва тадқиқотчилар (Дж.Веркманн, В.В.Белов, Е.Триллинг, W.Cornish) томонидан ўрганилганлигини кўрсатиб ўтди. Тадқиқ этилишича, фуқаролик-хуқуқий муносабатларда товар белгилари функцияларини қўллаш борасида ҳали-ҳануз яқдил фикрнинг шаклланмаганлиги, хусусан, бир-бирини инкор қилиш, бир функцияни бошқасидан устун қўйиш, шунингдек товар белгисидан мақсадли фойдаланилмаганлик учун тегишли функцияларнинг заифлашишига олиб келиши (Р.Коненко) таҳлил қилинди. Бу борада миллий қонунчилик ўрганилганда, унда товар белгилари муносабатларини тартибга солишда тегишли хуқуқ функцияларининг мавжуд эмаслиги асослаб берилди. Шунингдек, товар белгилари функцияларини қўллаш бўйича суд амалиёти (PRIMALAN товар белгиси мисолида) ҳужжатлари таҳлил қилинганда низони мазмунан ҳал қилишга қаратилган функциялардан ўз ўрнида фойдаланилмаганлиги маълум бўлди, у тегишли функциялар орқали тартибга солиниши бўйича тавсиялар берилди.

Ҳаммага маълум («well-known», «brend») товар белгилари хуқуқ эгаларининг иқтисодий даромад келтирувчи манбаи ҳисобланади. Тадқиқотчилар (M.Frederick, J.Carlos) ҳаммага маълум товар белгиларини «обрў-эътиборга эга» (reputation), «машҳур» (famous), «жуда машҳур» (highly renowned), «жуда обрў-эътиборга эга» (highly reputed), «мутлақо машҳур» (exceptionally well-known) каби турларга бўлиб ўрганишади. АҚШ ва Франция қонунчилиги товар белгиларини «ҳаммага маълум белги» (well-known trademark) ва «машҳур белги» (famous trademark) каби турларга ажратади. Тадқиқотчи турли давлатлар қонунчилиги ва амалиётини ўрганган ҳолда ҳаммага маълум товар белгиларини турлича таснифлаш хуқуқни қўллаш мазмунини қийинлаштиради, деган хулосага келди. Ушбу масала Буюк Британия хуқуқни қўллаш амалиётига кўра асослантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида «ўзбек бренди» экспортни ривожлантиришда муҳим восита эканлиги асослаб берилди. Мурожаатномада белгиланган масалалардан келиб чиққан ҳолда «ўзбек бренди»ни жорий этиш ҳамда ривожлантиришга қаратилган ташкилий-хуқуқий механизмга эга таклиф ишлаб чиқилди. Тадқиқотчи «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузурида «Ўзбек бренди» уюшмасини ташкил этиш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқди ва унда:

- «ўзбек бренди» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш;
- уюшмага аъзо бўлиш шартлари ва тартиби;
- «ўзбек бренди»дан фойдаланиш тўғрисида лицензия бериш, қайта расмийлаштириш, дубликат бериш;
- уюшма аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари;
- уюшма аъзоларининг фаолияти мониторингини олиб бориш;
- «ўзбек бренди» номидан фойдаланишда синов муддати;
- «ўзбек бренди» номидан фойдаланишни тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва уни бекор қилиш қоидаларни кўрсатиб ўтди.

Диссертациянинг «Товар белгиларидан фойдаланишни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш» деб номланган иккинчи бобида товар белгиларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари, товар белгисидан фойдаланиш турлари: илмий-назарий масалалар таҳлил қилинган.

Мутлақ ҳуқуқлар мазмуни мулкӣ ҳуқуқлар мазмунидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мазкур ўзига хослик мутлақ ҳуқуқ эгасининг ваколатлари ҳажми, уни амалга ошириш доираси ва муддатига кўра белгиланади. Мутлақ ҳуқуқ мазмунини аниқлаштиришга қаратилган илмий изланишлар олим ва тадқиқотчилар (О.Оқюлов, Н.Ф.Имомов, Б.У.Ахмаджонов, Д.А.Огай, С.М.Сафоева, МДХ олимларидан Н.М.Коршунова, А.Л.Маковский, В.А.Дозорцов, В.С.Витко) томонидан олиб борилган. Тадқиқот давомида турли хулоса ва қарашларнинг ўрганилиши натижасида мутлақ ҳуқуқлар мазмунини қуйидаги гуруҳларга бўлинган ҳолда таснифлаш таклиф қилинди:

мутлақ ҳуқуқ доирасида ўз ваколатини амалга ошириш хусусиятига кўра: мутлақ ҳуқуққа тегишли бошқа маълумотларни олиш, сақлаш ва тасарруф этиш; шахсийлаштириш воситаларидан чекланмаган ҳудудлар доирасида фойдаланиш ва шундай ҳуқуқни бир вақтнинг ўзида бир неча шахсларга тақдим этиш; амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган ҳолда белгиланган муддатда шахсийлаштириш воситаларига бўлган ҳуқуқни сақлаш, шунингдек ушбу ҳуқуқни тасарруф этиш;

талаб қилиш доирасига кўра: қонунчиликда белгиланганидан ташқари бошқа шахсларнинг бир хил ва ўхшаш бўлган шахсийлаштириш воситасидан рухсатсиз фойдаланиш; шахсийлаштириш воситасига тегишли ахборотни ошкор қилиш ёки бошқа моддий манфаат кўриш йўлида фойдаланиш;

мутлақ ҳуқуқни муҳофаза қилишга кўра: мутлақ ҳуқуқлар алоҳида махсус ва одатий тартибда муҳофаза қилинади. Мутлақ ҳуқуқни махсус тартибда муҳофаза қилиш халқаро даражада алоҳида берилган талабномалар асосида белгиланади.

2006 йил 27 мартда Товар белгилари қонуни тўғрисидаги Сингапур келишуви қабул қилинган. Келишув шартига кўра, юридик шахс билан бирга «*жисмоний шахс*» (1-модда (v) банди) ҳам товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бўлиши мумкинлиги белгиланган. Келишувга қўшилган давлатларнинг (Германия, Италия, Франция, Швеция, Қозоғистон) қонунчилигида товар белгисига бўлган ҳуқуқ юридик шахс номига берилиши кўрсатилган. Россия Федерацияси ҳам Келишувнинг аъзосидир. Лекин ушбу давлат қонунчилигида товар белгиси фақат юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектига берилади. Келишув қондасига кўра хорижий давлат фуқароси Россия Федерациясида товар белгисини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Лекин суд амалиёти натижасида шаклланган хулосага асосан, Россия ушбу Келишув аъзоси бўлишидан қатъи назар, «*жисмоний шахс*»нинг товар белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бўлишига йўл қўйилмаслиги қайд этилади. Муаллиф бу борада Россия Федерацияси амалиёти хулосаси ва миллий қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг Товар

белгилари қонуни тўғрисидаги Сингапур келишувига қўшилиши тўғри бўлмаслиги асослангирди.

Тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1104-моддасида товар белгисини манфаатдор шахснинг талабига кўра ундан беш йил давомида фойдаланмаганлик шарти билан бекор қилиш қондаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслигини эътироф этган. Мутлақ ҳуқуқ эгасининг ўзига тегишли бўлган товар белгисидан ишлаб чиқаришда фойдаланилмаслиги, уни шунчаки «кераксиз буюм» каби сақлаши бошқа шахсларнинг товар белгисини рўйхатдан ўтказишига нисбатан тўсқинлик қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1104-моддасида белгиланган «беш йиллик» муддатни «*уч йил*» қилиб белгилаш мақсадга мувофиқлиги асослангирди. Шунингдек, манфаатдор шахснинг рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган белгининг ҳуқуқий муҳофазага олинган товар белгиси билан бир хил ёки ўхшашлигида, мутлақ ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда, аввало, товарнинг тури; унинг истеъмолбоплиги ва ундан фойдаланиш мақсади (фойдаланиш ҳажми ва мақсади); ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашё тури; товарнинг ўзаро тўлдирувчанлик ёки ўзаро алмаштирувчанлиги; реализация қилиш шартлари (сотиш жойи, улгуржи ёки чакана сотиш); истеъмолчилар доираси; товардан доимий ёки вақтинча фойдаланиш даражаси каби хусусиятлар инобатга олиниши лозимлиги асослаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1036-моддасида лицензия шартномасида мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш чегаралари кўрсатилиш шартлиги белгиланган. Ушбу кодекснинг 862-моддасида эса, лицензия шартномаси мутлақ ҳуқуқдан фойдаланиш чегараси кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда тузилиши қайд этилган. Кўрсатилган шартномаларнинг бир-биридан ўзаро фарқи «франшизинг – комплекс мутлақ ҳуқуқлар шартномаси» бўлса «лицензия шартномаси – бир турдаги шахсийлаштириш воситасини тақдим этишга қаратилган шартномадир». Мазмунан ушбу шартномалар деярли жуда яқин бўлган муносабатни тартибга солишга қаратилган. Ушбу масала тадқиқотчи томонидан ўрганилиб, Фуқаролик кодексининг 1036-моддаси иккинчи қисмига қўшимча киритган ҳолда «Лицензия шартномасида бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш ҳудудлари ва муддатлари кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлиги аниқланиши лозим».

Тадқиқотчининг таҳлилига кўра товар белгиларидан фойдаланиш соҳасида дунё амалиёти шуни кўрсатадики, товар белгисини шунчаки ундан фойдаланмасдан рўйхатдан ўтказиш бошқа шахсларнинг манфаатига салбий таъсир этмоқда. Товар белгисини рекламада, босма нашрлар, расмий бланклар, пешлавҳаларда намойиш этиш ундан фойдаланиш деб эътироф этмаслик масалалари таҳлил этилди. Унга кўра мутлақ ҳуқуқ эгасининг товар белгиси остида маҳсулот ишлаб чиқармасдан сақлаши, манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг чекланишига олиб келиши ўрганилди ва унинг ечими ишлаб чиқилган ҳолда тақлиф ва тавсиялар берилди.

Диссертацияда товар белгилари билан боғлиқ айрим фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномалар (олди-сотди, гаров, мерос, товар белгисидан улуш сифатида фойдаланиш)ни тартибга солишда амалдаги фуқаролик ҳуқуқи қонунчилиги қоидалари бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги ўрганилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексидаги қоидалар асосан моддий характердаги муносабатларни тартибга солишга қаратилганлиги сабаб товар белгиларига нисбатан ҳар доим ҳам ҳуқуқ ўхшашлигини қўллашнинг мос келмаслиги ёки товар белгиларини юқорида қайд этилган муносабатларни тартибга солиниши билан боғлиқ махсус қоидаларнинг йўқлиги асослантирилди. Бу борада тадқиқот олиб борган МДҲ давлатлари олим ва тадқиқотчилар (Г.Дернбурк, Е.В.Васьковский, В.А.Белов, А.О.Рыбалов), миллий олим ва тадқиқотчилар (О.Оқюлов, Н.Ф.Имомов, Д.А.Огай, Б.У.Ахмаджонов, С.М.Сафоева)нинг илмий ишлари таҳлил қилинди ҳамда уларнинг фикр-мулоҳазалари асосида товар белгиларининг фуқаролик шартномалари доирасида тартибга солиниши борасида таклифлар ишлаб чиқилди.

Товар белгисидан гаров шартномасида фойдаланиш миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида янғидир. Гарчи миллий қонунчиликда товар белгисини гаров шартномасида фойдаланиш бўйича ҳеч бир монелик бўлмасада, қонунчиликда у ҳали-ҳануз алоҳида муносабат сифатида такомиллаштирилмаган ёки уни тартибга солишда махсус қоидалар ишлаб чиқилмаган. Хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Швеция, Япония, Буюк Британия) қонунчилигида эса товар белгилари гарови одатий, анъанавий фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тоифасига киради. Тадқиқотчи томонидан товар белгисининг гарови муносабатлари амалиётининг йўқлиги сабаб унга мувофиқ миллий қонунчиликнинг шаклланмаганлиги, товар белгисини гаровга қўйишда баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилмаганлиги ўрганилди. Диссертацияда хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда товар белгисини гаровга қўйиш қоидалари, уни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди, товар белгиси гарови шартномасини тузиш билан боғлиқ таклифлар берилди.

Диссертациянинг «**Товар белгиларини муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари**» деб номланган учинчи бобида товар белгиларини фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш шартлари ва асослари, товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари таҳлил қилинган ҳамда тегишли тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Товар белгисини муҳофаза қилиш хорижий олим ва тадқиқотчилар (З.В.Макарова, Э.П.Гаврилов, С.С.Алексеев, Е.Месснер), миллий олим ва тадқиқотчилар (О.Оқюлов, Н.Имомов, Д.Огай, С.Сафоева) томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида ўрганилди. Унга кўра товар белгисини муҳофаза қилиш ҳуқуқий ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига қамраб олади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1040-моддасида ҳуқуқни ҳимоя қилиш усуллари белгиланган. Ушбу усуллар товар белгисига нисбатан ҳуқуқ бузилганда мутлақ ҳуқуқ эгасининг амалга ошириши мумкин

бўлган ҳуқуқлар ваколатини ўзида намоён этади. Тадқиқот давомида ҳуқуқий ҳимоя усуллари амалга ошириш механизми етарли асосларга эга эмаслиги ўрганилди. Натижада ҳуқуқий муҳофаза усуллари мазмуни аниқлаштирилди ва уни амалга ошириш асослари таҳлил қилинди.

Муаллифнинг фикрича, товар белгисини лицензия шартномаси доирасида ҳуқуқий муҳофаза қилиш нафақат лицензиатнинг хатти-ҳаракатларидан, балки лицензиарнинг беписандлигидан ҳам ҳуқуқий муҳофаза қилишни назарда тутиши лозим. АҚШ тажрибасида лицензия шартномаси доирасида товар сифатининг ёмонлашиши оқибатида лицензиар ҳам жавобгар шахс сифатида ишга жалб этилади. Буюк Британия, Германия, Франция давлатлари тажрибасида ҳам ушбу усул қўлланилиб, ўз навбатида, бу истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Миллий қонунчилик тажрибасида ҳам «*маҳсулот сифатининг паст бўлишида лицензиат билан бирга ҳар қандай вазиятда лицензиарнинг ҳам тенг жавобгарлигини белгилаш*» мумкинлиги билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинди ва тегишли ҳулосаларга келинди.

Тадқиқотда лицензия шартномасида товар белгисини муҳофаза қилиш вақти қуйидаги ҳолларда пайдо бўлиши ўрганилди: лицензиатнинг лицензиар товар маҳсулотига нисбатан сифати лозим даражада бўлмаган товарни савдога чиқариши ёки сотувга тайёрлаб қўйганлиги; лицензиарнинг рухсатсиз лицензиатнинг учинчи шахсларга товар ишлаб чиқаришга рухсат бериши ва унинг реал амалга оширилганлиги; лицензиатнинг лицензиар фаолият олиб бораётган ҳудудда рақобатлашиши; лицензиат ўз товар маҳсулотини лицензиар товар маҳсулотлари билан унга зарар келтириши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган даражада нотўғри таққослаши; товар белгиси кўринишини ўзбошимчалик билан ўзгартириши; сублицензиат фаолиятида товар белгисидан лозим даражада фойдаланмаётганлик ҳолатини лицензиардан яшириши ёки унга бефарқ қараши; товар белгиси остидаги маҳсулотнинг ўзига хос компонентлари (тижорат сири)ни лицензиарга атайин зарар етказиш мақсадида рақобатчиларга ошкор қилиш ва шу орқали товар белгисининг обрўсини тушириши.

Муаллиф интернет тармоғида олди-сотди муносабатларининг ривожланиши, ўз навбатида, товар белгиларини ҳам виртуал оламда муҳофаза қилиш заруриятини келтириб чиқаришини асослантирди. АҚШ дунёда биринчилардан бўлиб товар белгиларини «киберқароқчилик»дан муҳофаза қилиш учун 1999 йил 29 ноябрда «Киберқароқчиликдан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги («Anticybersquatting Consumer Protection Act» (АСРА) Қонунни қабул қилади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат товар белгиларини домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Сўнгги йилларда интернет тармоғининг тезлик билан ривожланиши товар белгилари соҳасидаги мавжуд миллий қонунчиликни ҳам «виртуал олам» муносабатларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқишга эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Чунки товар белгилари ва домен номларининг ўзаро мувофиқлигини баҳолашнинг аниқ қоидалари миллий қонунчиликда белгиланмаган. Бу эса учинчи шахсларга товар белгиси эгасининг розилигисиз

домен номи сифатида рўйхатдан ўтказишга замин яратмоқда. Шу ҳисобда товар белгиларини «киберқароқчилик»дан муҳофаза қилишда АҚШ тажрибасини ҳисобга олган ҳолда махсус қоидаларни ишлаб чиқиш ва унда:

киберқароқчиликдан товар белгисининг олдини олиш тартиби ва шартлари;

товар белгисидан домен номи сифатида фойдаланишда киберқароқчилик деб топиш ёки топмаслик асослари;

